Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 26-iyun, payshanba № 78 (3427)

Ўзбекистон — буюк олимлар ва мутафаккир зотлар, азиз-авлиёлар ва енгилмас саркардаларга бешик бўлган муқаддас диёр.

Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИНИ МУНОСИБ ТАРЗДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Эл-юртимиз учун асрлар давомида эзгулик, саховат, меҳр-шафқат, қаноат ва шукроналик рамзи бўлиб келаётган муборак Рамазон ойининг маънавий-руҳий ҳаётимиздаги алоҳида ўрни ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда, жамиятимизда меҳр-оқибат, ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, халқимизга хос олижаноб фазилатларни, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида:

1. 2014 йил муборак Рамазон ойининг бошланиши 28 июн кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахборот маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари «Нуроний» жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Рамазон ойини жойларда миллий анъана ва қадриятлар, урф-одатларимизга уйғун ва ҳамоҳанг тарзда ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширсин.

Мазкур тадбирларни ўтказишда муборак Рамазон ойининг моҳиятида мужассам бўлган инсонийлик, маънавий поклик, шукроналик фазилатларини, муқаддас динимиз ақидаларини эъзозлаш, буюк алломалар, азиз-авлиёларимизнинг муқаддас қадамжоларини обод этиш борасида кенг кўламли савоб ва тарғибот ишлари ташкил қилинсин. Ушбу қутлуғ ойда амалга ошириладиган хайрия тадбирлари, эҳтиёжманд кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, зиёратгоҳларни ободонлаштириш, оила ва маҳаллаларда меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш бўйича олиб бориладиган тадбирларни янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2014 йил 24 июн

Халқаро конференция

23-24 июн кунлари Тошкентда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Бош прокуратура, тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат бирлашмалари ҳамда қатор халқаро ташкилотлар ташаббуси билан «Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишни янада такомиллаштириш — жамиятни ривожлантириш ва демократлаштиришнинг устувор йўналишлари» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари, ижро ва суд ҳокимияти, фуқаролик жамияти институтлари, илмий жамоатчилик, ҳуқуқ-тартибот идоралари, таълим муассасалари, халқаро ташкилотлар, дипломатик миссиялар вакиллари ва хорижий экспертлар қатнашди.

ИНСОН ҲУҚУҚИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Конференцияда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг асосий йўналишлари ва бу соҳада эришилган ютуқлар муҳокама қилиниб, бу борадаги халқаро тажриба билан яқиндан танишилди. Шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизимини такомиллаштиришнинг устувор ва долзарб йўналишлари муҳокама қилинди.

— Мамлакатингиз тарихан қисқа муддат ичида суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштириш бўйича катта ишларни амалга оширди, — деди АҚШнинг Миннесота штати округи бўйича Округ судяси Джон Р. Танхайм. — Жумладан, ўлим жазосининг бекор қилингани, ҳибсга олиш тўғрисидаги санкция ҳуқуқи судларга берилгани, вояга етмаганлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш ва бундай шахсларни қайта тарбиялаш, жазони ўташ жойларида сақланаётган аёлларга яратилган шароитлар, маҳбусларга тиббий хизмат кўрсатиш соҳасида эришилган ютуқларингиз эътирофга лойиқ. Таъкидлаш жоизки, юқоридаги масалаларда ривожланган демократик давлатларнинг сиздан ўрганиши керак бўлган жиҳатлари кўп. Бундан ташқари, ҳар йили мамлакат Конституцияси қабул қилинган кун муносабати билан амнистия актининг қўлланилаётгани жиноят содир этган шахсларга жамиятда ўз ўрнини топиш учун имкон бермоқда.

Шунингдек, халқаро экспертлар Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» доирасида қабул қилинаётган қонунлар ҳамда уларнинг ижроси жараёни билан яқиндан таништирилди.

Хорижликлар мамлакатимизда ҳуқуқшунос мутахассислар тайёрлаш тизими билан танишиб, соҳага оид таълим жараёни барча халқаро меъёрларга мос келишини якдил таъкидлашди. Меҳмонлар аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида чоп этилаётган ҳуқуқий нашрлар — газета ва журналлар мухбирлари билан мулоқотда бўлишди.

Конференция якунида судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан инсон ҳуқуқлари соҳасида умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормалари устуворлигининг конституциявий тамойилига изчил риоя этиш, суд амалиётида уларни қўллашнинг ташкилий механизмларини такомиллаштириш, шунингдек, илғор халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва либераллаштиришга оид тавсиялар қабул қилинди.

Улуғбек ИБОДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Тадбир

БИР-БИРИДАН ИЛҒОР

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон академик рус драма театрида Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан «Йилнинг энг фаол ёш тарбиячиси» танловининг Республика босқичи ўтказилди. Икки кун давом этган тадбирда 14 нафар иштирокчи ўзаро беллашди.

«Мактабгача таълим сифатини оширишда стратегик режаларим» мавзуидаги тақдимот шартида ёш тарбиячилар таълим-тарбия жараёнида илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдалана олиши, мактабгача таълим босқичи сифатини такомиллаштириш самарадорлиги омиллари, болаларнинг маънавий ва жисмоний камол топиши, ижтимоий-эмоционал ривожланиши, гигиена, ўқиш ва ёзишни ўрганишга оид дастлабки билим ва кўникмаларини ошириш бўйича тушунчаларини баён этиб, келгусидаги режалари, таклиф-тавсиялари билан ўртоқлашдилар.

Кейинги шартга кўра иштирокчилар 15 дақиқа мобайнида канцелярия ва бошқа буюмлардан болажонлар учун кўргазмали ўйинчоқлар ясадилар.

Голиблар муносиб тақдирланди.

Ўз мухбиримиз

Кўрик-танлов

Ранг-баранг лойиҳалар тақдимоти

«Юрт келажаги» республика кўрик-танловининг мамлакат босқичида Навоий вилоятидан 48 нафар иқтидорли ёш иштирок этади.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилган танловда 460 нафар истеъдодли ёшнинг архитектура ва дизайн, либослар дизайни, иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларни такомиллаштириш, ахборот технологиялари ва рационализаторлик, техник лойиҳа ва ишланмалар, тасвирий ва амалий санъат, адабиёт ва журналистика йўналишларидаги ишлари кўриб чиқилди.

Президентимиз раҳнамолигида ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш учун яратилаётган шароит ва имкониятлар ўз самараларини бермоқда. Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур танлов ҳам янги иқтидорларни кашф этишда муҳим омил бўлаётир.

— Танловга туризмни ривожлантириш ва хизмат кўрсатишни такомиллаштириш бўйича лойиҳамни тақдим этдим, — дейди Нурота ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Жасурбек Қодиров. — Хорижий ва маҳаллий меҳмонларга хизмат кўрсатишга ихтисослашган уч юлдузли «Нурота» меҳмонхонасининг лойиҳаси кўпчиликка манзур бўлди. Тоғолди ҳудудида барпо этиладиган меҳмонхона туманнинг қадимий тарихи, маданияти, ўзига хос анъана ва қадриятлари, табиати, айниқса, наботот олами билан яқиндан танишиш учун қулай имконият яратади. Бу ҳудудда туризмни ривожлантириш ва сайёҳлар оқимини янада оширишга хизмат қилади.

Н.РАҲИМОВ,
ЎзА мухбири.
ЎзА фотомухбири Сирож АСЛОНОВ олган сурат

Ўзбекистон мустақиллигининг 23 йиллиги олдидан

«Кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳри бетакрор шарқона руҳи ва қиёфаси, бой тарихи, бу ерда сақланиб қолган ноёб, ҳар қандай одамни ҳайратга соладиган обидалари билан сайёрамизнинг турли ўлкаларида афсонавий шаҳар сифатида маълуму машҳурдир. Мовий гумбазлари миллионлаб сайёҳларни ўзига мафтун этадиган Самарқанднинг Рим билан бир қаторда «абадий шаҳар» деган ном билан бутун дунёда шуҳрат қозонгани бежиз эмас, албатта».

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Самарқандда бўлиб ўтган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти» мавзуидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқидан.

Ҳайратлар маскани

...Самарқанд Шарқнинг гавҳари, эзгулик тимсоли, буюк аждодларимиз тафаккури рамзидир. Унда асрлар оша Ватанимизнинг буюк тарихи, қадимий цивилизация ютуқлари асраб-авайлаб келинаётир. «Буюк Тан даврида Ғарбий ўлкага саёҳат» асари муаллифи хитойлик Сюаньцезан ўз битикларида Самарқанд таърифига алоҳида эътибор қаратади. Аллома бу ерда буюк ва қимматбаҳо китоблар сақланишини, халқи меҳнаткаш, ҳунармандлигини ва маънавияти элига куч-жасурлик адо этганлигини, йигитлари қурашчан, мард, жангга киришса ҳеч ким уларга бас келолмаслигини алоҳида эътироф этади.

Етти иқлимга маълум ва машҳур Самарқанд шуҳрати юрт истиқлолидан сўнг яна бир неча поғона юқорилади. Мунғайиб бир ҳолатга тушган маданий меросимизга аждодлар анъанаси услубида қайта сайқал берилди.

«Шарқ тароналари» нуфузли халқаро мусиқа фестивалига мезбонлик қилган ушбу масканда айни кунда ҳам қатор ободончилик юмушлари олиб борилмоқда. Ўтган қисқа фурсатда Регистон мажмуасининг ўн икки жойида ободонлаштириш, қурилиш ишлари амалга оширилди. Майдондаги эски қопламалар ўрнига 5510 метр квадрат саҳнга қизил гранит тошлари ётқизилди. Кираверишдаги зиналар гранит тошлари билан қопланди. Майдоннинг ёндош қисмида 1470 метр квадрат саҳнга эга автомобиллар тўхташ жойи ва бошқа маиший қулайликлар яратилди.

— Қўкламзорлаштирилган, анвойи гуллар билан қуршалган майдонга замонавий ёритиш ускуналари ўрнатилганлиги ўзгача жозибадорлик бахш этди, — дейди касаба уюшма фахрийси Садриддин Аслиддинов. — Регистон нафақат кундузи, балки кечаси ҳам улуғвор қиёфа касб этди.

Бажарилган улкан ишлардан яна бири Хўжа Дониёр ёдгорлик мажмуаси қайта таъмирланиб, ободонлаштирилганлигидир. Ўзини иймон-эътиқод, инсонийликка бахшида этган буюк зот хоки пойини тавоф қилиш учун дунёнинг турли гўшаларидан келаётган зиёратчилар оқими кескин кўпайди. Бу ерда сайёҳлар учун барча шароитлар мужассам этилган.

...Кўҳна ва навқирон шаҳар кўчаларида бугун барқ уриб яшнаб турган каштанларни кўриб, кўз қувонади. Юртбошимиз тавсиясига биноан экилган мўъжизавий бу дарахт икки минг йилгача яшнаб туриши осботини топган. Атрофга ўзига хос ифор таратувчи дарахтлар бу йил кўкламда қийғос гуллади. На иссиқ, на совуқни писанд қилмайдиган, йил бўйи яшнаб, ўзидан яшиллик таратиб турган каштанлар кўҳна кентга узукка кўз қўйгандек ярашиб турибди.

Бугунги кунда вилоятда 140 дан ортиқ туристик фирма ва ташкилотлар фаолияти йўлга қўйилган. Улар нафақат ташриф буюрувчи сайёҳлар-у меҳмонларга хизмат кўрсатиш, балки қадимий шаҳар довруғини дунёга ёйиш билан ҳам фаол шуғулланиб келишаётир. Дунёнинг турли мамлакатларида ўтказилаётган сайёҳлик ярмаркаларида Самарқанднинг тарихи ва бугунги тараққиёти кўз-кўз қилинмоқда. Берлин, Лондон, Токио, Мадрид, Шанхай, Сеул, Москва шаҳарларида бўлиб ўтган ана шундай анжуманларда иштирок этилди ва қизиқувчиларга батафсил маълумотлар берилди.

(Давоми 4-саҳифада).

27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

Малакали кадрлар — соҳа истиқболи

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида малакали журналист кадрлар тайёрлашда таълим муассасалари ва таҳрири ятлар ҳамкорлигига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан ташкил этилган тадбирда журналистлар, университет профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Мазкур университет ректори Ғ.Муҳамедов, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга етказиш, юртдошларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтиришда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятини ривожлантиришнинг халқаро андозаларга тўла мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базаси шакллантирилган. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ўнга яқин қонунчилик ҳужжати оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва либераллаштириш, уларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида миллий журналистикани янада равнақ топтириш юзасидан бир қатор муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу Концепцияга мувофиқ оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий асослари, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатларига оид миллий қонунчилигимиз давр талабларига уйғун тарзда янада такомиллаштирилмоқда.

Соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш ҳам доимий эътиборда. Ўзбекистон Миллий университети журналистика факултети ушбу йўналишда фаолият юритаётган етакчи таълим муассасаларидан биридир.

Университетда таълим жараёнида замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш, таълим ва амалиёт жараёнини узвийликда олиб бориш учун барча шароит яратилган. Талабаларнинг амалий кўникмаларини янада бойитиш мақсадида етакчи таҳририятлар, теле- ва радиоканаллар, ахборот агентликлари билан изчил ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Давра суҳбатида журналист кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, назария ва амалиёт уйғунлигига эришиш, таълим ва амалиёт ҳамкорлигини кенгайтириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбирда факултетнинг бу йилги битирувчиларига дипломлар топширилди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири

Ishonch
2014-yil 26-iyun № 78 (3427)

■ Фидойиларимиз

Тажрибали, жонкуяр...

Абдиалим ака эртанги касабақўм етакчилари ўқув-семинарига тадбир дастури, таклифномаси матнини яна бир бор кўздан кечириб турганида қўл телефони жиринглаб қолди. Қараса, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Шуҳрат Ҳалилов экан.

— Семинарга тайёргарлик яхшими?

— Яхши. Лекин чўл ҳудудидаги Боймурод овул фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган бошланғич ташкилотимиз билан боғлана олмаяпмиз. Бориб келайлик десак, марказдан тахминан 250 км.лик масофа бор. Транспортимиз...

— Улов масаласини ўйламанг. Аммо вакилимизни ташрифимиз ҳақида огоҳлантириб қўйганингиз маъқул.

Раис вақтни тежаш мақсадида ҳамкорларга қўнғироқ қилиб, вазифаларни эслатди. Орадан ярим соатлар ўтиб, сут рангли таниш машина чўл қаърига отланди. Қарийб уч соатлик масофа ишғол этилиб, бир-бирига туташ уйлар ёнида тўхташди. «Абай» наслчилик ширкат хўжалиги биноси рўпарасида 4-5 нафар мезбон туришарди.

Суҳбат аввалида бошқарув раиси Мустафо Эгамқулов фаолларга юзланди:

— Менимча, Шуҳрат Раҳимовични яхши эслаб қолгансиз.

— Бўлмасам-чи! Ахир, 2005 йилда Айдаркўл ўзанидан тошиб, овул кўчалари, уйлар, қўтонларни сув босганда, биринчи бўлиб касаба уюшмалари кўмакка келганини унутиб бўларканми?

— Нимасини айтасиз, — деди оқ яктак кийган истарали отахон ҳамроҳи фикрини давом эттириб. — Ўшанда кўп азият чекканмиз. Одамлар адир ва тепаликларга кўчиб, «қора уй»ларда салкам уч ой яшашга тўғри келганди.

Гапга хўжалик раиси қўшилди:

— Ўйлайманки, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси номидан моддий ёрдам кучлари овулимизга ўз вақтида етиб келганлиги ҳали-ҳануз кечагидек ёдимизда. Абдиалим Таиров ва Шуҳрат Ҳалиловлар бошчилигида ун, мой, консерва, совун, дори-дармон маҳсулотларини елкалаб, «қора уй»ларга ташиганмиз.

Сўнг мавзу ўз тизгинини топиб, касабақўм учун яратилган имкониятлар ҳамда ечимини кутаётган муаммолар жойида ўрганилди. Иш берувчи ҳам ўз аъзолари манфаати йўлидаги таклифларни тўғри тушунди. Шундан кейин кўнгил хотиржам тортиб меҳмонлар ортга қайтди. Йўл-йўлакай Учтепа ҳамда Янгиғозғон ҳудудидаги бошланғич ташкилотлар иш юритуви ўрганилиб, амалий ёрдам кўрсатилди.

Кун ботар маҳал туман марказига етиб келишди. Абдиалим Тоиров муюлишда уловдан тушиб, идораси томон йўл олди. Негаки, ҳали уни халқ депутатлари туман Кенгаши сайлов комиссияси раиси, Конимех шаҳарчаси ижроия қўмитаси раиси, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Конимех туман кенгаши раиси сифатида эртанги кунга кечиктирилиши жоиз бўлмаган айрим вазифалар кутаётган эди.

Дарвоқе, минтақавий семинар қай тарзда ўтгани билан қизиқаяпсизми? Унда, эшитинг. Тадбир кичикроқ тўйга уланиб кетди. Чунки, 30 йилдан ортиқ соҳада меҳнат қилган тажрибали ва жонкуяр раҳбар Абдиалим Тоиров таваллудининг 60 йиллик тўйи мазкур арафага тўғри келгандида. Раис шаънига яхши тилаклар айтилди. Кайвониликни ўз қўлига олган бирлашма раҳбарияти томонидан имзоланган расмий тўйхатда, жумладан, шундай дейилганди: «Муҳтарам Абдиалим Таирович! Йиллар карвони етаклаган умрингизнинг 60 йиллиги арафасида ҳаёт йўлингизга назар ташлар эканмиз, тақдирини эл тақдири билан боғлаган чинакам халқпарвар инсон сиймосини кўргандек бўламиз. Инсон ҳаётининг маъноси тиниб-тинчимаслик, ўз кучига ишониш ва бошқалар учун яшаш истаги туфайлигина бойиб, улуғланиб бораверар экан. Сиз узоқ йиллик самарали фаолиятингиз давомида меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилибгина қолмасдан, меҳр-оқибатлилик, самимийлик, элпарварлик каби хислатларингиз билан эътибор қозондингиз. Аҳил оила соҳиби, севимли ота ва бобо сифатида довруқ таратдингиз. Халқимизнинг ҳар бир яхши-ёмон кунида ҳозиру нозирсиз. Изингиздан ўнлаб садоқатли шогирдларингиз етишиб келаётир. Аслида, чинакам бахт ана шу эмасми?

Одамнинг ҳаёти унинг саховати ва эзгу амаллари билан тенг бўларкан. Шундай экан, инсонга наф келтириш бахти ҳар биримизга насиб этаверсин.»

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

■ Ёзги таътил — 2014

Юртимизнинг сўлим масканларида жойлашган оромгоҳлар минг-минглаб болажонларни ўз қучоғига олган. Жумладан, Хоразм вилоятининг Шовот туманидаги Ал-Хоразмий номли болалар оромгоҳида ҳам ҳаёт қайнайди.

Бола бўлгинг келади

Ўтган йили вилоятда «Энг намунали оромгоҳ» номинацияси ғолиби бўлган ушбу маскан бу йил 1-навбатда 140 нафар болани қабул қилди. Дам олувчилар 4 та гуруҳга ажратилиб, ҳар бирига биттадан тарбиячи ва етакчи биркитилди. Бош етакчи Муҳиддин Тожиев ва тарбиячилар Наргиза Қурбонова, Дилрабо Аллаберганова, Соҳиба Эркаева, Ҳасанбой Бекчановлар болалар ҳар бир кунни сермазмун ўтказишлари учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Тарбиячи ва етакчилар, мусиқа ўқитувчилари масъуллигида «Келинг, танишайлик» давра суҳбати, «Ижодкор ёшлар», «Марҳабо, талантлар» танловлари, Соғлом бола йилига бағишлаб «Соғ танда – соғлом ақл», «Китоб афзалми ёки компютер?» мавзуларида баҳс-мунозаралар, мустақиллигимизнинг 23 йиллигига бағишлаб «Биз Ўзбекистон фарзандларимиз», «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!» каби мавзуларда суҳбатлар, «Мустақиллик менинг тақдиримда» ёш мусаввирларнинг умуморомгоҳ кўргазмаси, «Сени соғинамиз, оромгоҳ» шиори остида «Эсдаликлар тайёрлаш» ва бошқа тадбирлар уюштириляпти. Бундан ташқари, маданият ва спорт ишлари бўлими масъуллигида теннис, қўл тўпи, миллий кураш, футбол, волейбол, баскетбол, югуриш, шахмат-шашка мусобақалари, оромгоҳ маликаси ва шаҳзодаси танловлари ўтказилмоқда. Тадбирларда фаол қатнашганлар рағбатлантириляпти. Шунингдек, ҳафтанинг шанба, якшанба кунлари «We learn English», душанба, сешанба, чоршанба кунлари «Ёш математик», ҳафтада беш кун «Ниҳол» (она тили фанидан) тўгараклари иш олиб бораётир.

Оромгоҳ бағрида мароқли дам олаётган ўғил-қизларнинг юз-кўзидаги бахтиёрлик ифодасини кўриб, беихтиёр бола бўлиб қолгингиз келади.

Қувончой АБДУЛЛАЕВА,
Шовот тумани

ХОНАДОНДА ТИКУВЧИЛИК ЦЕХИ

Наманган вилояти Поп туманида истиқомат қилувчи Ойгул Бойматова ўз хонадонида тикувчилик цехи очганига ҳали кўп бўлмади.

Қисқа вақт ичида бу ерда эчки жунидан пайпоқ, қўлқоп, жемпер, рўмол каби аҳоли учун зарур кийим-кечаклар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Маҳсулотлар харидоргирлиги боис, тадбиркор аёл оиласи бюджети ҳам юксала бормоқда. Ойгул опа келажакда ўз цехини кенгайтириб, маҳалла хотин-қизларини ҳам иш билан таъминлаш ниятида.

Турғунбек МАҲКАМЗОДА
олган суратлар

■ Бандлик

Қорақалпоғистонда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича изчил ишлар олиб борилаётир. Республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири ўринбосари Маҳсет Измуратов бу ҳақда шундай дейди:

Ишсизларга иш тайин

— Мустақиллик йилларида воҳа ҳар тарафлама ривожланиб, аҳолининг турмуш тарзи кун сайин яхшиланиб бормоқда. Бугунги кунда Қорақалпоғистонда 1 млн. 711 мингдан зиёд киши истиқомат қилади. Бир пайтлар фақат хомашё етказиб бериш билангина чекланган ўлка эндиликда саноати юксалаётган ҳудудга айланаётир. Янгидан қуриб ишга туширилаётган заводлар, фабрикалар, маданий-маиший объектлар, намунавий лойиҳа асосида бунёд этилаётган турар жойлар халқимизга манзур бўляпти. Оролбўйи ҳудуди улкан қурилиш майдонига айланган. Меҳнат кўлами кенгайгани сайин янгидан-янги иш жойлари барпо этилаётир.

Олий Мажлис Сенатининг 2013 йил 12 декабрдаги «2014 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш доирасида бу йил 49827 та янги иш ўрни ташкил этиш режалаштирилган. Ўтган беш ой якуни бўйича 20236 ўрнига 20799 янги иш ўрни яратилди.

— Янги иш ўринлари ташкил этилишида қандай қўшимча чора-тадбирлар кўрилаётир?

— Кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этиш ҳисобидан ўтган беш ой ичида 8518 та, саноат ва қурилиш корхоналарини кенгайтириш ҳамда қайта жиҳозлаш ҳисобига 1775 та, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасида 6743 та, якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш натижасида 1164 та, уй меҳнатининг барча шаклларини қўллаш ҳисобига 4084 та иш ўрни барпо этилди. Фермер хўжаликлари ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳисобига ҳам талай киши ишли бўлди.

— Фуқароларнинг мурожаатлари қандай ечим топмоқда?

— Жорий йилнинг 1 июн ҳолатига кўра, республикамизнинг бандликка кўмаклашувчи марказларига 9552 нафар фуқаро иш сўраб мурожаат этди. Фуқаролар бандлигини таъминлашга кўмаклашувчи республика ишчи гуруҳи жойларга чиқиб, туман ҳокимиятлари билан биргаликда 9122 кишининг ишга жойлашишига кўмаклашди. Хоҳишига кўра, 121 нафар фуқаро касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашга юборилди. Мурожаат қилганларнинг 376 нафарига ишсизлик мақоми берилган бўлса, 150 кишига ишсизлик нафақаси тайинланди.

— Ёшлар, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш борасида қандай ишлар бажарилмоқда?

— Республикамиз касб-ҳунар коллежларини ўтган йили 25660 нафар йигит-қиз битирди. Шулардан 945 битирувчи олий таълим муассасаларига ўқишга кирган бўлса, 22012 нафари иш билан таъминланди. 2013–2014 ўқув йилида 24115 ўқувчи коллежни битирмоқда. Улардан 23631 нафарини ишга жойлаштириш учун 11008 корхона ва ташкилот билан уч томонлама шартномалар тузилган.

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси билан ҳамкорликда ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркаларида 4055 корхона 1220 та бўш иш ўрни билан қатнашиб, 2164 фуқарога ишга жойлашиш учун йўлланмалар берилди. Шунингдек, ярмарка иштирокчилари меҳнат, бандлик ва ижтимоий соҳаларга доир тегишли маслаҳатлардан ҳам баҳраманд бўлдилар.

Суҳбатдош:
Ортиқбой МОМУТОВ,
«Ishonch» мухбири

Мамлакатимизда келажак авлод тарбияси ва уларнинг билим олиши учун барча имконият яратилган. Хусусан, бу йилги мавсумда болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш ҳар қачонгидан ўзгачароқ ташкил этилди. Республика бўйича 214 та стационар оромгоҳда 147 минг 622 нафар ва 739 та мактаб қошидаги оромгоҳда 134 минг 270 нафар болани соғломлаштириш ва дам олдириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш юзасидан аниқ вазифалар белгиланди.

Камарбастамиз

Болажонларнинг оромгоҳларга бориши-келиши, хотиржам ҳордиқ чиқариши Ички ишлар вазирлиги зиммасида бўлиб, хавфсизликни таъминлаш учун барча чоралар кўрилаётир. ИИВ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш Бош бошқармасида «Ғамхўрлик — 2014» ишчи гуруҳи тузилган ва ишчи гуруҳ томонидан бу борадаги ишлар назорати олиб борилмоқда.

Оромгоҳлар жойлашган ҳудудлардаги профилактика инспекторлари ўз ишига масъулият билан ёндашаяпти.

Шу билан бир қаторда ёнғин хавфсизлиги, йўл ҳаракати ҳамда санитария-гигиена қоидаларига қатъий риоя қилиш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш борасида тегишли мутасадди вазирлик, корхона-ташкилотлар билан ҳамкорликда тизимли ишлар ташкил этилмоқда.

2014 йил 13 май куни Ички ишлар вазирлигининг «Болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш мавсумида оромгоҳларда хавфсизликни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар тўғрисида»ги буйруғи ишлаб чиқилиб, амалга татбиқ этилди.

Оромгоҳлар фаолиятини мунтазам ўрганиб бориш мақсадида минтақаларга вазирлик марказий аппаратининг масъул ходимлари, шунингдек, ҳар бир оромгоҳга ички ишлар идораларининг масъул раҳбар ходимлари ҳамда доимий равишда хизмат олиб бориш учун малакали ходимлар бириктирилди.

Чегара ва тоғли ҳудудларда жойлашган оромгоҳларда хавфсизликни таъминлаш мақсадида қўшимча постлар ташкил этилиб, жамоат тартибини сақлашга «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари аъзолари, маҳалла фаоллари ва жамоатчилик вакиллари жалб этилган. Республика микёсидаги оромгоҳлар атрофида жойлашган 507 та маҳаллада истиқомат қилувчи, ички ишлар идоралари профилактик ҳисобида турган 4619 нафар шахс профилактик суҳбатдан ўтказилди, 1170 маротаба тушунтириш ишлари олиб борилди.

Шу билан бирга, вазирлик ва идораларда, маҳаллий ҳокимликларда ҳамда жойлардаги ҲООБларда тузилган ишчи гуруҳлар орқали ҳар бир минтақадаги об-ҳаво маълумоти, гидрометеорологик ва геологик хавф мавжуд бўлган ҳудудларда жойлашган оромгоҳлардан мунтазам равишда маълумотлар олиш йўлга қўйилди.

Жойлардаги маҳаллий ҳокимликлар томонидан оромгоҳларда болаларнинг мазмунли дам олишини таъминлаш, соғломлаштириш ва маънавий-маърифий тадбирлар билан қамраб олиш, хавфсизликни таъминлашга қаратилган махсус тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Дам олиш масканларига олиб борадиган йўллар аҳволи ўрганилиб, автотранспорт воситаларидан фойдаланишда ЙПХ ходимларининг кузатуви ташкил қилинган.

Барча оромгоҳлар, албатта, қайсидир маҳалла ҳудудидан ўрин олган. Шунинг учун у ердаги милиция таянч пунктида хизмат олиб бораётган профилактика инспектори, маҳалла раиси ва фаоллари оромгоҳларда фаолият юритаётган ишчилару ташкилот ва идоралар масъул ходимларига ҳамда ишчи гуруҳига кўмакчидир. Ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар эса фарзандларимизнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришига хизмат қилади.

Улуғбек ТУЙМАБОЕВ,
ИИВ ҲООББ матбуот котиби, подполковник

● Ҳаёт кўзгуси

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик янгиланишлар ва модернизациялаш жараёнида оммавий ахборот воситаларининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Хусусан, телевидение ўзининг тезкорлиги ва ҳозиржавоблиги билан алоҳида ажралиб туради. Айни пайтда ушбу соҳани ривожлантиришда Қашқадарё телерадиокомпанияси жамоаси ибратли ишларни амалга ошираяпти.

Касб байрами арафасида ушбу жамоада бўлиб, амалга оширилаётган ишлар ҳақида мутахассислар фикрини эшитдик.

МАШАҚҚАТЛИ МЕҲНАТ САМАРАСИ

Усмон НУСУРОВ,
Қашқадарё вилоят телерадиокомпанияси директори:

— Вилоятда 5 та электрон оммавий ахборот воситаси бўлиб, 2 таси телевидение ва 2 таси радио таҳририятидир.

Вилоят телевидениеси тарихига мурожаат этадиган бўлсак, 1995 йилнинг 24 августидан дастлабки синов кўрсатувлари бошланган пайтда ҳафтада 3 кун, 30 дақиқадан эфир узатиш имконияти мавжуд эди. Ҳали ўз биносига эга бўлмаган телевидениега «Радио уйи»дан 2-3 та хона ажратилган бўлиб, иш жараёни ҳам жуда оддий эди. Ўтган давр ичида вилоят телевидениеси ҳар жиҳатдан ривожланди, тараққий топди. Янги русумдаги замонавий техникалар билан жиҳозланди. Телекўрсатувлар техник сифатини янада яхшилаш, эфир соатини кенгайтириш мақсадида «Тахтиқорача» довонида 1Квт трансметр станцияси ўрнатилди. Натижада, вилоят телевидениесининг эфир ҳудудининг қамрови 80 фоизга етказилди.

Таъкидлаш жоизки, 2008 йилнинг апрел ойидан эътиборан вилоят телевидениеси кўрсатувлари алоҳида канал орқали намойиш этилиши эфир соатларини кенгайтирди. Айни пайтда телевидениеда информацион дастурлар 15 фоизни, маънавий-маърифий дастурлар 25 фоизни, адабий-бадиий дастурлар 30 фоизни эгаллайди, қолганларини эса ижтимоий-иқтисодий, сиёсий мавзудаги дастурлар ташкил этади.

Янгиланишлар

Вилоят телевидениесида ижтимоий-сиёсий мавзудаги аҳамиятга молик кўрсатувлар мундарижаси ниҳоятда кенг. Тўғридан-тўғри эфирга узатиб келинаётган «Юзма-юз» рукни остидаги очиқ мулоқотларда корхона ва ташкилот раҳбарлари, барча туман ҳокимлари иштирок этиб, долзарб мавзулар, коммунал тизимидаги муаммолар, жойларда, хусусан, қишлоқларда ечимини кутаётган масалалар, ёшларга яратилаётган имкониятлар таҳлил қилинади ва камчиликларни бартараф этиш чоралари изланади. Шунингдек, «Долзарб мавзу», «Мезон», «Обод манзиллар», «Мустақиллик одимлари», «Мен туғилган юрт», «Маънавият соати», «Бугуннинг гапи», «Мулоҳаза», «Огоҳлик — давр талаби», «Саломат бўлинг», «Илм ва ҳаёт», «Таълим ва тараққиёт» каби кўрсатувлар мунтазам равишда эфирга узатиляпти.

Қашқадарё телевидениесида Президентимизнинг шу йил 9 майда журналистларга берган интервюси асосида мунтазам равишда кўрсатувлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Барчани жиддий ташвишга солаётган ахборот хуружлари, «Оммавий маданият» таҳдиди, диний экстремистик, террористик ғоялар, гиёҳвандлик ва бошқа иллатларга қарши йўналтирилган кўрсатувлар эса ёшлар дунёқарашини шакллантиришга хизмат қилаётир. Жумладан, телерадиокомпания томонидан ишлаб чиқилган дастур асосида «Муносабат», «Нуқтаи назар», «Маънавият — қалб кўзгуси», «Огоҳлик — давр талаби», «Гирдоб», «Адашганлар қисмати», «Қалтис қадамлар», «02 алоқада» каби кўрсатувлар кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилмоқда.

Маънавият инсон иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс кучдир. Шу мақсадни ўзида мужассам этган ҳар бир кўрсатув вилоят Маъна-

Матбуот анжумани

«Ўзвинсаноат-холдинг» компанияси томонидан ташкил этилган навбатдаги анжуманда узумчиликни ривожлантириш, қайта ишлаш корхоналарини модернизациялаш ва хомашё базасини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида гап борди.

100 фоиз экспортга

Президентимизнинг 2013 йил 13 мартдаги «2013-2015 йиллар давомида республикада узумчиликни янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қароридан сўнг соҳадаги ишлар янада авж олди. Токзорлар барпо этишда хўраки ва саноатбоп навларни кўпайтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Амалга оширилган саъй-ҳаракатлар натижасида соҳадаги қайта ишлаш корхоналарининг хомашё базаси мустаҳкамланиб, маҳсулот ҳажми ортишига эришилди.

Узумчиликка ихтисослашган агрофирма ва фермер хўжаликлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатилган. Уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида тегишли режа асосида тадбирлар ташкил этилаяпти. Жумладан, 2011-2013 йилларда ўтказилган кўргазмали амалий семинарларда 25 мингдан зиёд фермер хўжалиги раҳбарлари қатнашиб, уларнинг энг илғорлари рағбатлантирилди.

Компания фермерлар томонидан етиштирилган узумни қабул қилиш билан бирга, ўз токзорларини ташкил этиш ишларига ҳам эътибор қаратиб келмоқда. Ўтган йиллар давомида тизимдаги корхона ва ташкилотлар томонидан 5,3 минг гектар майдонда саноатбоп навли узумлар экилиб, 330 гектарига томчилаб суғориш технологияси жорий қилинган.

Шу билан бирга, тизимда узумни қайта ишлашни янада такомиллаштириш, ички ва ташқи бозорларда юқори сифатга эга бўлган харидоргир маҳсулотлар тайёрлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Корхоналар босқичма-босқич замонавий техника ва ускуналар билан жиҳозланаяпти. 2006 - 2013 йиллар давомида 100 дан зиёд инвестиция лойиҳалари амалга оширилиб, унга 155 млрд. сўм сарфланди. Компания тасарруфидаги мавжуд корхоналарни модернизациялаш натижасида уларнинг бир нечтасида ишлаб чиқарилаётган вино маҳсулотларининг 100 фоизи хорижга экспорт қилинмоқда. 2016 йилга қадар 135 млрд. сўм миқдорида яна 80 та инвестиция лойиҳасини амалга жорий қилиш режалаштирилган.

Олиб борилган ишлар самараси ўлароқ, корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати тубдан яхшиланиб, нафақат ички бозорни, балки ташқи бозорни ҳам эгаллаяпти. Сўнгги беш йилда тизимда тайёрланган маҳсулотлар бешта супер Гран При, 168 та олтин, кумуш ва бронза медаллар, 55 та дипломга сазовор бўлди.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

Учрашув

Янгиариқ тумани халқ таълими ходимлари ўртасида мустақиллигимизнинг 23 йиллиги олдидан ҳамда «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг бажарилишини таъминлаш мақсадида «Авлодлар учрашуви» ташкил қилинди. Унда халқ таълими ривожи йўлида ўз ҳиссасини қўшган меҳнат фахрийлари, касаба уюшма бошланғич ташкилоти раислари, ёш ўқитувчилар иштирок этишди.

Устозлар изидан

Тадбирни туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири Н.Давлетов олиб борди. Авлодлар учрашуви иштирокчилари кекса авлод, ўрта авлод вакиллари ёш ўқитувчиларга ибрат бўлгулик ҳаёт йўллари ҳақида гапирдилар. Айниқса, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Олимбой ота Рўзметовнинг хотиралари барчада ўзига хос таассуротлар қолдирди.

Тумандаги 4-умумтаълим мактабида 40 йилдан зиёд фаолият кўрсатган меҳнат фахрийси С.Абдуллаев эса собиқ тузум даврида маориф соҳасидаги машаққатларга тўхталди. Туман фахрийлар уюшмаси вакили К.Собиров, К.Абдуллаевларнинг ҳикояларини ёшлар мароқ билан тинглашди.

Тадбирда меҳнат фахрийлари, фидойи устозлар ва иқтидорли ёш ўқитувчиларга совға-саломлари топширилди.

Авлодлар учрашувидан кўзланган мақсад устозлар тажрибасини ўрганиш, истиқлол ғоялари билан суғорилган миллий қадриятларимизни ёшлар онгига сингдириш, уларни ватанга муҳаббат, халқига садоқат, ўтмишга ҳурмат руҳида тарбиялашдан иборатдир.

Гулистон ОТАЖОНОВА,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Янгиариқ туман кенгаши раиси

Реклама ва эълонлар

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ «ХАЛҚ БАНКИ» САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ 2014 йилда реконструкция қилиниши режалаштирилган қуйидаги объектни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича ҚАЙТАДАН ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва жойлашган манзили	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан	Қурилиш муддати
1.	Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси 147 даги мавжуд бинони ДТ «Халқ банки» Самарқанд вилоят филиалига реконструкция қилиш (қолган иш ҳажмлари)	616 614 861 сўм	739 937 833 сўм	2 ой

Қурилиш ишлари ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — **Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.**

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси ДТ «Халқ банки» Самарқанд вилоят филиали.

Манзили: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони 1-уй, телефон: (8366) 231-10-93.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, қўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: **Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 2Д-корпус, 403-хона. Тел\факс: 231-13-51, 233-32-00.**

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати – 80 000 (саксон минг) сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 15 кундан кейин, қуйидаги манзилда Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносида соат 10-00 да ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ 2014 йилда капитал таъмирланиши режалаштирилган қуйидаги объектларни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича ҚАЙТАДАН ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва жойлашган манзили	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан	Қурилиш муддати
1.	Ургут тумани, Қуйи Алғар қишлоғидаги маданият ва аҳоли дам олиш марказини капитал таъмирлаш	1.350 896 010 сўм	421 075 212 сўм	4,5 ой

Қурилиш ишлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — **Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.**

Буюртмачи: Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси.

Манзили: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони 1-уй, телефон: (8366) 235-82-86.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида»ги Қарорига асосан пудрат ташкилотини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаси, қўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: **Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, корпус -2Д, 403-хона, тел\факс: 231-13-51, 233-32-00.**

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 80 000 (саксон минг) сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 15 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги Инжиниринг компанияси биносида соат 10-00 да ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ қурилиши режалаштирилган қуйидаги объектларни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва жойлашган манзили	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан	Қурилиш муддати
	ЛОТ 51-2:			
Лот-1	Нуробод тумани пенсия жамғармаси учун икки қаватли 22х12м ўлчамли маъмурий бино қурилиши	780 089 734 сўм	936 107 680 сўм	6 ой
Лот-2	Пайариқ тумани пенсия жамғармаси учун икки қаватли 22х12м ўлчамли маъмурий бино қурилиши	757 025 734 сўм	908 430 881 сўм	6 ой

Қурилиш ишлари давлат бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — **Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.**

Буюртмачи: Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси

Манзили: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 1-уй, телефон: (8366) 231-10-93.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, қўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: ***Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 2Д-корпус, 403-хона. Тел\факс: 231-13-51, 233-32-00.***

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати – 80 000 (саксон минг) сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб камида 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги Инжиниринг компанияси биносида соат 10.00 да ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.

Реклама ва эълонлар

вият тарғибот маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, «Нуроний» жамғармалари, диний идора вакиллари, ўқув муассасалари, тиббиёт ходимлари, таниқли олимлар ва ижодкорлар, меҳнат фахрийлари ҳамкорлигида тайёрланиб, унда ёшлар тарбияси ҳақида атрофлича фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда.

Вилоят телерадиокомпаниясида 80 нафар ходим меҳнат қилади. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси томонидан белгиланган режа дастур асосида ходимларнинг малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

йўлидан

Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, вилоят телерадиокомпанияси қошида «Фахрийлар кенгаши» тузилгани ҳам айни муддао бўлди. Устозлар ёш ходимлар билан бўладиган учрашувларда ўз тажрибалари ҳақида гапириб берадилар. Шунингдек, «Маҳорат мактаби» ҳам фаолият юритиб келмоқда.

ШОГИРДЛАРИМ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН

Санобар БОЙМУРОДОВА,
вилоят телевидениесининг муҳаррири, «Шуҳрат» медали соҳибаси:

— Оммавий ахборот воситалари орасида телевидение тезкорлиги билан ажралиб туради. 10 йилдирки вилоят телерадиокомпаниясида меҳнат қилаяпман. Илк иш бошлаган пайтларим Ҳусан Темиров менга устозлик қилди. Дастлаб «Ассалом, Қашқадарё» мусиқий дам олиш дастурига бошловчилик қилган бўлсам, кейинчалик «Сайқал», «Маржон» дастурларини тайёрладим.

Кеча ўзим шогирд бўлган бўлсам, бугун бир неча ёш журналистларга устозлик қилаяпман. Отабек Раҳимов, Озода Яхшибоева, Гўзал Пардаева, Феруза Авлаева, Фарида Ҳакимова сингари шогирдларим билан фахрланаман.

Ҳар бир телекўрсатув мазмун-моҳияти тасвирчининг маҳоратига боғлиқ. Зоҳид Музаффаров, Жамшид Султонов, Маҳмуд Тўланов, Рамз Холмирзаев сингари моҳир тасвирчилар билан ижодий ҳамкорлигимиз яхши самара берганини алоҳида таъкидламоқчиман. «Кўз тегмасин», «Қўнгилдаги дур», «Юртим жамоли», «Яшаш санъати» каби кўрсатувлар эфирга узатилгач, телетомошабинлардан кўплаб мактублар олаяпмиз.

Яхши дам — меҳнатга ҳамдам. Телерадиокомпания раҳбарияти ҳамда касаба уюшма қўмитаси ҳамкорлигида ходимларнинг мазмунли дам олиши учун шароит яратилган. Таътил пайтда санаторийларда дам олиб қайтган ходимнинг ижодий қуввати яна ҳам яхшиланади.

Меҳнатларим муносиб тақдирланиб, «Шуҳрат» медали, «Олтин қалам» миллий мукофотига сазовор бўлдим.

КЎРСАТУВЛАР МАЗМУНИ БОЙИДИ

Уйғун ҲАЙДАРОВ,
вилоят телерадиокомпаниясининг бош муҳандиси:

— Сўнгги йилларда вилоят телерадиокомпаниясининг моддий-техника базаси такомиллаштирилди. Ўзбекистон МТРК томонидан кўрсатилаётган амалий ёрдамлар туфайли эфир сифати яхшиланди. Кўрсатув ва эшиттиришлар мазмуни бойиди.

2003 йилда Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан Германиянинг «BFE Simens» фирмасининг 3 камерали студия жиҳозлари, 2007 йилда эса Японияннинг «DVCAM» русумли камера ва монтаж столлари билан жиҳозланган бўлса, 2011 йилда янги «SONY DVCAM» видеокамералар ҳамда ночизиқли монтаж столлари келтирилди. Бу эса эфирга узатилаётган кўрсатув ва эшиттиришлар сифатини яхшилашга имкон яратди.

Излаган имкон топади, дейди халқимиз. Вилоят телерадиокомпанияси ижодий ва техник ходимлар ҳамкорликда иш олиб бораётганлиги боис замон билан ҳамнафас бўлиш имконини берувчи техника воситалари билан таъминланди. Буни айни пайтда юқори сифатли тўлқинга ўтиш борасида амалга оширилаётган ишлардан ҳам билиш мумкин. Деҳқонобод туманидаги «Одамтош» РТС (радио телевизион станцияси)да телевизион қурилмалар ишга туширилганлиги Деҳқонобод, Нишон, Миришкор туманлари аҳолисининг юқори сифатли рақамли телевидение кўрсатувларини томоша қилиш имкониятини яратди.

Шавкат СУЛТОНОВ,
Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси

Реклама ва эълонлар

«Касаба қурилиш таъмир» шўъба корхонаси томонидан Самарқанд вилояти Ургут туманида ва Наманган вилояти Норин туманида олиб борилаётган қурилиш ишларига қурувчи-мутахассислар

ДОИМИЙ ИШГА ТАКЛИФ ЭТИЛАДИ.

Манзил: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Мўйноқ кўчаси, 15-«а» уй.

- **Мурожаат учун телефонлар:** (8571) 298-17-99,
- **Самарқанд вилояти бўйича:** (+99894) 672-99-56,
- **Наманган вилояти бўйича:** (+99890) 354-74-51.

Хизматлар лицензияланган.

Ishonch
2014-yil 26-iyun № 78 (3427)

Ҳайратлар маскани

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Самарқандга ташриф буюрувчилар сони кундан-кунга ошаётир. Баҳорда 45-50 минг сайёҳ ташрифи қайд этилган бўлса, эндиликда улар сони 90 мингдан ошиб кетди. Сайёҳларга айни чоғда 3780 ўринли замонавий ва миллий услубда қурилган, барча талабларга жавоб берадиган меҳмонхоналар хизмат кўрсатмоқда. Самарқанд шаҳридан баҳра олиш, боболар мероси, бугунги бунёдкорликдан завқланиш истагида бўлган юртдошларимиз ҳам чандон ортиб бораётир. Биргина ўтган йилда ўнга яқин янги меҳмонхона ишга туширилди. Туризмни ривожлантириш дастурига мувофиқ яна 12 та замонавий услубдаги меҳмонхона қад ростлаши кутилаётир. Бундан ташқари, тарихий қадамжолар бўйлаб сайру саёҳатни кучайтириш, саёҳларни жалб этиш мақсадида Булунғур, Нуробод ва Пахтачи туманларида ҳам замонавий кемпинглар ишга тушади.

Фаолиятини тубдан такомиллаштириб, меҳнаткашларга қулай турмуш ва иш шароити яратишга катта эътибор қаратаётган касаба уюшмалари ҳам туризмни ривожлантиришга муносиб хисса қўшаётир. Жамоат ташкилоти маблағи эвазига Самарқанддаги сўлим масканлардан бирида замонавий меҳмонхона қад ростлади. Эътиборли жиҳати шундаки, касаба уюшмалари тасарруфидаги «Нодир Самарқанд» меҳмонхонаси қадимий ва навқирон шаҳар марказига бориладиган йўл ёқасида жойлашган. Меҳмонлар дераза орқали афсонавий шаҳарни, у ердаги кўҳна қалъа харобаларини кўздан кечириши, Чўпон ота кенгликларидан баҳра олиши мумкин. Дам олиш баробарида пою пиёда мозий ёдгорликларига саёҳат уюштириш имкони ҳам бор. Сауна, чўмилиш ҳавзаси, мўъжазгина спорт залига эга меҳмонхонада барча шароит муҳайё этилган.

— Меҳмонхонамиз нафақат ҳамюртларимиз, балки хорижлик меҳмонларга ҳам хизмат кўрсатаётир, — дейди «Нодир Самарқанд» меҳмонхонаси раҳбари Мансур Раҳмонов. — Тажрибали ходимларимиз қўноқларга барча шароитларни яратиб беради. Ошхонамизда тайёрланган лаззатли таомлар таъми узоқ вақт тилда қолади.

Касаба уюшмалари қошида ташкил этилган «Касаба сайр» шўъба корхонаси томонидан деярли ҳар ҳафта мамлакатимизнинг турли вилоятларида яшовчи меҳнаткашлар вакиллари саёҳати ташкил этилмоқда. Самарқандда бўлган Қозоғистон касаба уюшмалари вакилларидан иборат сайёҳлар гуруҳи на-

фақат шаҳар, балки жамоат ташкилоти ташаббусларини ҳам қизғин маъқуллаганларига шоҳид бўлдик. Улар касаба уюшмалари тасарруфидаги меҳмонхонани катта қизиқиш билан кўздан кечиришди. Ўз юртларида бундай имкониятлар йўқлигини яшириб ўтиришмади ҳам.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини дам олдириш ва юртимизнинг обод гўшалари бўйлаб сайру саёҳатлар уюштириш анъанага айланди. Биргина ўтган йилда Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси 11681 нафар кишининг мамлакатимиз бўйлаб саёҳатини ташкил этди. Тошкент шаҳрига 4481 нафар, Бухоро, Хива, Навоий, Шаҳрисабз шаҳарларига эса 7200 нафар ишчи-ходимлар саёҳатга олиб борилди. Саёҳатлар ташкил этишда иш берувчиларнинг хайрихоҳлиги қўл келмоқда. Мазкур сафарларга кетган харажатларнинг 619 миллион сўми иш берувчилар ва ҳомийлар томонидан, 160,4 миллион сўми касаба уюшмалари маблағидан сарфланди.

— Тизимда меҳнат қилаётган ходимларнинг талаб ва истакларига биноан ҳар йили бир неча маротаба саёҳат ташкил этишни анъанага айлантирганмиз, — дейди Самарқанд вилоят ҳудудий электр тармоқлари корхонаси бошланғич касаба уюшма ташкилоти етакчиси Раҳмат Зулпонов. — Яқинда бир гуруҳ ходимларнинг Тошкент шаҳрига саёҳати уюштирилди. Бундан ташқари, ишчиларимиз табиат қўйнида ҳам сайр қилишди. Ахир халқимиз бежизга «Юрган дарё, ўтирган бўйра», деб айтмаган. Биз етакчилар бу масалада ҳамиша ташаббускор бўлмоғимиз шарт.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни арафасида «Касаба сайр» шўъба корхонаси томонидан бешта вилоятдан болаларнинг Самарқандга ташкил этилган сафари ҳам таассуротларга бой бўлди. Ўсиб-улғайиб келаётган ёшларимиз аждодларимиз қудрати тимсоли бўлмиш тарихий обидалар, мустақиллик йилларида бунёд этилган иншоотларни ҳайрат билан томоша қилдилар. Болалар маънавий олами, билимини кенгайтиришга, юрт тарихини яқиндан билишга ундовчи бундай тадбирларни кўпайтириш эса давр талабидир.

— Мен Самарқанд шаҳри акс этган суратларим тўпламини «Осмон ости мўжизалари» дея номлагандим. Тасаввурлар маҳсули бўлмиш ижодий ишимни саёҳат давомида яна бир қур назардан ўтказишимга тўғри келади, — дейди жажжи сайёҳлар сафида келган сирдарёлик Мансуржон. — Фикрларим энди тиниқлашди. Жилоларим анча жўн экан. Самарқанд учун ўта ёрқин бўёқларни кашф қиламан энди.

Туризм ривожи нафақат иқтисодиёт, балки маънавиятни юксалишига хизмат қилади. Бу соҳани тараққий эттиришга тўла асослар яратилган. Тизимда иқтидорли, бир неча тилларда равон сўзлашувчи ёшлар камолоти таъминланаётир. Биргина Самарқандда учта таълим масканида ана шундай мутахассислар тайёрланмоқда. Самарқанд давлат чет тиллари, иқтисодиёт ва сервис институтлари, Сартепа туризм ва маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежидан малакали гид — таржимонлар, экскурсоводлар етишиб чиқмоқда. Бу соҳанинг порлоқ истиқболидан даракдир.

...Аслида, буюк аждодларимиз қадами теккан тарихий шаҳарга мустақиллигимиз берган неъматларнинг чеки йўқ. Самарқандда кунда бир янгилик, бунёдкорлик юз бериши одатий ҳолга айланган. Мухтасар айтганда, ўтмиши шарафли, келажаги порлоқ Самарқанд одамларни ҳайратга чулғашда давом этмоқда.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

2014 йил — Соғлом бола йили

Юртимизда баркамол авлод тарбияси, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётир. Шифохоналар замонавий тиббиёт жиҳозлари билан таъминланиб, кадрлар малакаси мунтазам равишда оширилмоқда. Даволашнинг янгича усуллари амалиётга изчил татбиқ этиляпти. Буни вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази фаолияти мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Замонга мос тиббиёт маркази

— «Соғлом бола йили» Давлат дастурида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш энг муҳим йўналишлар сирасига киритилди, — дейди марказ бош шифокори Фахриддин Рўзметов. — Бу, табиийки, зиммамиздаги масъулиятни янада оширади. 285 ўринга мўлжалланган масканимизда даволаш ишларини жаҳон стандартлари даражасида ташкил этишимиз учун барча имкониятлар мавжуд. Марказнинг хирургия, кардиология, неврология, гематология, жонлантириш бўлимларида 67 нафар шифокор ва 200 нафар ҳамшира фаолият олиб бормоқда.

Шифокорларимиз жойларда ташкил этилаётган даволаш-профилактика тадбирларида мунтазам қатнашиб, тиббиётдаги энг илғор услубларни пишиқ-пухта эгаллаб, амалиётда қўллашга интилишаётир.

— Биз, шифокорларнинг асосий мақсадимиз хасталикни даволашдир. Шундай бўлгач, табиийки, биринчи навбатда, унинг келиб чиқиш омилларини бартараф этишга интиламиз, — дейди марказ шифокори Ф.Рўзметов. — Шифокорларимиз яқинда Урганчдаги «Болалар уйи» ва Хивадаги «Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчиларини тиббий кўрикдан ўтказиб, соғломлаштириш ишларини олиб боришди.

Марказда даволаш кўламини кенгайтириш, шарт-шароитларни яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлат бюджетидан 1 млрд. 413 млн. сўм ажратилиб, қурилиш-реконструкция ишлари амалга оширилаяпти. Шу мақсадда «Бунёдкор» масъулияти чекланган жамиятининг 37 нафар ишчиси баракали меҳнат қилмоқда. Янгидан барпо этилаётган ошхона биноси ҳам тез кунларда ишга туширилади. Шунингдек, болалар диагностикаси, клиник ва биохимик лаборатория ва 30 ўринга мўлжалланган чақалоқлар бўлимлари ташкил қилинади.

Германия тараққиёт банкининг 242 минг АҚШ долларилик кредити ҳисобига марказга замонавий тиббий асбоблар — анализатор (лаборатория учун), кар-соқов болаларнинг нейроаудио скринг аппарати, лор комбайни, жонлантириш бўлими учун сунъий нафас олиш ускуналарининг келтирилиши мўлжалланмоқда.

Европа Иттифоқи, ЮНИСЕФ ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлигида репродуктив саломатлик ҳамда болалар соғлигини мустаҳкамлаш лойиҳаси доирасида 3 та хона мукаммал таъмирдан чиқарилиб, ўқув қуроллари билан жиҳозланди. Бу йил шу мақсадда 1200 нафар шифокорнинг малакасини ошириш режалаштирилаётир. 50 нафар шифокорга бугунги кунда малакали мутахассислар, профессор-ўқитувчилар иштирокида ўқув семинарлари ўтказиляпти.

2016 йилга бориб марказнинг барча ҳудудлари тўла таъмирдан чиқарилади. Келгусида янги туғилган чақалоқлар учун неврология ва қиз болалар гинекологияси бўлимларини ташкил қилиш режалаштирилмоқда.

Хуллас, марказ шифокорлари эл соғлигини муҳофаза қилиш йўлидаги эзгу ишларга муносиб ҳисса қўшаётир.

Ўғилжон РАҲИМОВА,
Хоразм вилояти

Жаҳон чемпионати

РАВШАН ЭРМАТОВ АҚШ-ГЕРМАНИЯ ЎЙИНИГА ҲАКАМЛИК ҚИЛАДИ



Футбол бўйича Бразилияда ўтказилаётган жаҳон чемпионатининг 3-туридан ўрин олган яна бир ўйинни ФИФА ҳаками — ҳамюртимиз Равшан Эрматов бошқариб борадиган бўлди.Бу ҳақда fifa.com сайти хабар бермоқда.

Ёдингизда бўлса, Эрматов бригадаси 3-турдаги Мексика — Хорватия ўйинида фаолият кўрсатган эди. ФИФА ўзбекистонлик ҳакамлар ишидан қониқиш ҳосил қилган ҳолда уларни АҚШ ва Германия термалари ўртасидаги муҳим ўйинга тайинлади.

Шунингдек, Россия — Жазоир ўйини туркиялик Жунайт Чақирга ишониб топширилди. Австралиялик Бенжамин Уильямс эса Жанубий Корея — Бельгия ўйинида ҳакамлик қилади. Португалия — Гана ўйини бахрайнлик Навоф Шукруллога берилди.

«Туркистон-пресс»

Реклама ва эълонлар

Корхона ва кичик бизнес субъектлари раҳбарлари диққатига!

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚУЙИДАГИ ИНШООТЛАРГА ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

т/р	Объектлар номи	Бошланғич нархи ҚҚС билан сўм	Бошланғич нархи ҚҚСсиз сўм	Бажариш муддати
1.	Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Сирғали кўчасидаги 1-сонли мактаб учун ёрдамчи хоналари билан 18х36 м ўлчамли спорт зал қурилиши	999 088 857	832 574 047	150 кун
2.	Наманган вилояти, Мингбулоқ тумани, Жамашўй туман марказида 2 қаватли бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси биноси қурилиши	904 020 049	753 350 041	180 кун

Буюртмачи: Наманган шаҳри, А. Темур кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилоят ҳокимлигининг ягона буюртмачи инжиниринг компанияси. Тел: (8369) 233-53-78, 233-06-11.

Лойиҳани молиялаштириш: Ўзбекистон Республикаси халқ таълими Вазирлиги ҳузуридаги болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва Республика бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Диққат: ***Танлов савдолари (тендерлар)ни ўтказишда, бошқа тенг шарт-шароитларда кичик бизнес субъектлари афзаллика эга ҳисобланади;***

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак: танлов савдо предметининг 20 фоиздан кам бўлмаган миқдоридаги айланма маблағ ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базаси, ишлар (хизматлар) ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари, мутахассисларнинг мавжудлиги, танловдаги иншоотга ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасига етарли касбий, техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади:

— қатнашчиларнинг тижорат таклифларини тенг шартларга келтириш мақсадида улар бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган тендер таклифлари қатнашчиларнинг тендер таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси **Наманган вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзил бўйича: Наманган шаҳар, Навоий кўчаси, 22-уй, Тел\факс (8-369) 227-94-30, 227-91-47 мурожаат қилиш мумкин.

Танлов ҳужжатларининг битта тўплами нархи - 100 000 сўм

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этиш охирги муддати - оферталарни очилиш куни ва соати.

Таклифлар матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда очилади: Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 22-уй.

Хизматлар лицензияланган.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ИВ УЯ 64/ТХ-10 МУАССАСАСИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Объект номи:

«Фарғона вилояти Фарғона шаҳри ИИБ ЖИЭББ тизимидаги УЯ 64/ТХ-10 муассаса ошхонасини мукаммал таъмирлаш»

Бошланғич нархи — 161 343 976 сўм ҚҚС сиз ва 193 612 771 сўм ҚҚС билан.

Қурилиш муддати — 60 кун.

Қурилиш ишлари: Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖИЭББ маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Буюртмачи: Фарғона вилояти ИИБ УЯ 64/ТХ-10 муассасаси.

Манзил: Фарғона шаҳар, П.Маҳмуд кўчаси, 25; тел. 244-85-93

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Темирйўл кўчаси 37-уй, телефон/факс: (373)244-55-32, 98-276-25-48.

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, *Фарғона шаҳар Темирйўл кўчаси 37-уй* манзилида ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.

«Golden Build Trading» МЧЖ Самарқанд вилояти филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига Чет эл капитали иштирокидаги «Савдогар» очиқ акциядорлик тижорат банки Иштихон филиалининг 2014 йил 24 июндаги 130/4-сонли буюртма хатига асосан, Самарқанд вилояти Нарпай тумани Оқтош шаҳри, А.Темур кўчаси 6-уйда жойлашган умумий майдони 750,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 390.11 кв.метр, фойдаланиш майдони 326.42 кв.метрдан иборат бўлган «Савдогарбанк» биноси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси 41 500 000 сўм.

Талабгорлар диққатига!

Аукцион ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 10 кун муддат ичида мулкка бўлган ҳуқуқни тасарруф қилиш бўйича олди-сотди шартномасини тузиши хамда олди-сотди шартномасига асосан мулк учун тўловларни амалга ошириш юклатилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманомалар аукцион ташкилотчиси томонидан расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача Самарқанд шаҳри, Кўксарой кўчаси, 1-уй 2-қават манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб қабул қилинади. Буюртманомаларни қабул қилиш охирги муддати савдоларнинг ўтказилиши белгиланган санадан бир кун олдин бўлган муддатга, яъни 2014 йил 25 июл куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, низом нусхаси, вакил иштирок этганда ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдолари 2014 йил 28 июл куни соат 11.00 да савдо ташкилотчисининг савдолар майдончасида бўлиб ўтади.

Мазкур мулк 2014 йил 28 июл куни ўтказиладиган очиқ аукцион савдосида сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2014 йилнинг 4 август куни соат 11.00да ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий савдо учун буюртманомаларни қабул қилиш охирги муддати: 2014 йил 4 август савдоси учун 2014 йил 1 август куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоларига қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо кунига қадар «Golden Build Trading» МЧЖ Самарқанд вилояти филиалининг АИТБ «Ипотека банк» Кўк сарой филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704953182002, МФО: 00262, СТИР: 302118823. ХХТУТ: 83200.

Буюртманомалар қабул қилиш, қўшимча маълумотлар билан танишиш ва савдо ўтказиладиган манзил: Самарқанд шаҳри, Кўксарой кўчаси 1-уй, 2-қават. тел: (+99891) 446-57-40, E-mail: sam_g_b_t@list.ru, Веб-сайт: www.gbt.uz. Лицензия RR 00117.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar: Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: B.Rizayev
Navbatchi: N.Mahamov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti -20. 30
Topshirildi - 20.40

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 618 | 20543 nusxada bosildi | 1 2 3 4